

мавзу

**Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси.
Жаҳон бозори. Ҳалқаро валюта ва
кредит муносабатлари**

Режа

- 1. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши.**
- 2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари.
Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши**
- 3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.**

Жаҳон хўжалиги

```
graph TD; A[Жаҳон хўжалиги] --> B[Таркиби:]; A --> C[Субъектлар:];
```

Таркиби:

- товар ва хизматлар жаҳон бозори;
- капиталлар жаҳон бозори;
- ишчи кучи жаҳон бозори;
- ҳалқаро валюта тизими;
- ҳалқаро молия-кредит тизими;
- ахборотлар соҳаси, ИТИ, маданиятлар

Субъектлар:

- ҳалқ хўжалиги мажмуасига эга давлатлар;
- трансмиллий корпорациялар;
- ҳалқаро ташкилот ва институтлар;
- миллий чегаралардан ташқаридаги хўжаликнинг барча тармоқларига хос фирмалар

Жахон хўжалиги халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва уларнинг амалга ошириш воситаларининг бир бутун яхлитлигидан иборат. Халқаро меҳнат тақсимоти бу хўжаликнинг моддий асосини ташкил этади.

Жахон хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг асрлар давомида ривожланиши, миллий, регионал ва умумжаҳон миқёсида меҳнат тақсимотининг узлуксиз чуқурлашиб бориши, турли мамлакатлар миллий ишлаб чиқаришнинг яққаланган ҳолатидан чиқиши ва уларнинг аста-секин давлатлараро хўжалик тизимига кириб боришининг натижасидир. Меҳнат тақсимоти товар ишлаб чиқаришнинг умумий асоси сифатида бозор муносабатларига олиб келади, уларнинг ривожини миллий доирадаги хўжаликларни ва алохидалашган ишлаб чиқарувчиларни дастлаб ягона ички бозорга кейинчалик эса умумжаҳон бозори доирасига тортади.

Е.Ф.Борисов жаҳон хўжалиги шаклланишининг тўрт босқичи

Биринчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашувидан олдинги давр	Дастлаб ўша даврдаги кишилар жамоалари ёки қабилалари ўртасида пайдо бўлган савдо айирбошлашуви кейинчалик товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан турли мамлакатлар ўртасидаги доимий товар алмашуви – халқаро савдонинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди
Иккинчи босқич ишлаб чиқаришнинг саноатлашув даври	Йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва тадбиркорларнинг кўпроқ фойда олишга интилиши ташқи савдони деярли барча миллий хўжаликларнинг таркибий қисмига айлантириб қўйиши натижасида XVIII-XIX асрларда ривожланган жаҳон бозори пайдо бўлди
Учинчи босқич XIX-XX асрлар	Бу даврда жаҳон хўжалиги тизими шаклланди
Тўртинчи босқич XX асрнинг 60-йиллари	Кўплаб мустамлака мамлакатларнинг сиёсий қарамликдан озод бўлиши натижасида замонавий жаҳон иқтисодиётида ижобий ўзгаришларнинг янги тенденциялари пайдо бўлди

**Жаҳон ҳўжалиги глобаллаш уви
жараёнларининг эидиятлари**

турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг
бир текисда бормаслиги

бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқнинг
кучайиши

экологик ҳалокат таҳдидларининг кучайиб бориши

турли мамлакатларда аҳоли сонининг ўзгаришининг
фарқланиши

Жойлашишнинг сабаблари

ИҚТИСОДИЙ

-малакасиз ишчи кучига талаб пасайиши ва унга нисбатан таклифнинг ортиши;
-ривожланган мамлакатларда юқори малакали мутахассисларга талаб ортиши;
-давлатлараро иш ҳақидаги фарқ.

НОИҚТИСОДИЙ

-демографик;
-сиёсий;
-диний;
-миллий;
-маданий;
-оилавий ва ҳ.к.

Глобаллашув жараёнининг асосий йўналишлари

Биринчи йўналиш –
мулкчилик
муносабатларининг
глобаллашуви

Иккинчи йўналиш –
кооперация ва меҳнат
тақсимотининг нисбатан
юқори даражасига ўтиш

Учинчи йўналиш –
хўжаликни ташкил
этишнинг бутунлай янги
шаклларининг пайдо
бўлиши ва ривожланиши

Тўртинчи йўналиш –
халқаро иқтисодий
ташкилотларнинг тартибга
солувчи роли ривожланади

Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши мамлакатлар ўртасида фан-техника, ишлаб чиқариш – савдо-иқтисодий алоқаларнинг объектив асоси ҳисобланади ва шу туфайли ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви умумжаҳон жараёнига айланди. Хуллас, халқаро меҳнат тақсимоти- бутун жаҳон хўжалигининг ташқил топиши ва ривожланишининг хал қилувчи омилидир.

Халқаро меҳнат тақсимоти деганда алоҳида мамлакатларнинг маълум бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви тушунилади. Алоҳида мамлакатларнинг бундай ихтисослашуви маҳсулотларни сифат жаҳатидан устун даражада энг кам харажат билан ишлаб чиқаришга олиб келади.

Давлатларнинг гурухлари

Ривожланган
давлатлар

Бозор иқтисодиётида
ривожланаётган
давлатлар

Бозор иқтисодиётида
мавжуд булмаган
давлатлар

иқтисодиётнинг байналминаллашуви

Интеграцион -
(миллий хўжаликларнинг
яқинлашуви)

Трансмиллий -
(халқаро ишлаб чиқариш
мажмуасининг тузилиши орқали)

Халқаро иқтисодий муносабатнинг шакллари

Капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати

Товар ва хизматлар билан халқаро савдо

Ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси

Валюта кредит муносабатлари

Ишчи кучининг миграцияси

Фан ва техника соҳасидаги айирбошлаш

Узоқ муддатли кредитлар бериш

Кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик

Халқаро ихтисослашиш ва савдонинг устуниклари

мутлак

қиёсий

товарлар ишлаб чиқариш ва айирбошлашда минимал **бевосита** ишлаб чиқариш ҳаражатлари

товарлар ишлаб чиқариш ва айирбошлашда минимал **билвосита** ишлаб чиқариш ҳаражатлари

савдо ҳамкорларига нисбатан арзонроқ маҳсулотлар таклиф этган мамлакатлар ўзаро маҳсулотлар айирбошлашади

ишлаб чиқаришга **нисбатан кам ресурс** сарфлаган мамлакатлар ўзаро маҳсулотлар айирбошлашади

ХАЛҚАРО САВДО

Ташқи савдо
айланмаси

Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо айланмаси ёки ташқи товар айланмасини ташкил этади

Экспорт

Экспорт – бу товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади

Реэкспорт

Бирор бир мамлакат бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилган тақдирда реэкспорт рўй беради

Импорт

Импорт чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради

Реимпорт

Реимпорт истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради

Савдо баланси

Товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги мувозанат (тенглик) савдо балансини ташкил қилади